

## Қачон Рамазон келса...



04:00 / 16.04.2021 3225

أَقَامَ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّ نَلَا نَعْنَعُ هَلْ لِي ضَرَّةَ رِيَّ بَأَنْع  
تَدْفُصَو رَانَ لَأَبْ أَوْبَأُ تَقْلُغُ وَءِنَّ جَلَّ أَبْ أَوْبَأُ تَحْتَفُ نَأْصَمَ رَأَجَ إِذَا  
ةَ لَيْلٍ لَوَأْنَا إِذَا يُدْمِرُ رَتْلَ طَفَلٍ وَدَوَادِ أَبْ أَلْ إِسْمَ حَلَّ هَأَوْرُ نِي طَائِيَّ شَلْ  
رَانَ لَأَبْ أَوْبَأُ تَقْلُغُ وَءِنَّ جَلَّ أَدْرَمَ وَنِي طَائِيَّ شَلْ تَدْفُصَو نَأْصَمَ رَرَّهَ شُ نَم  
أَبْ أَبْ هَأَنَّمُ قَلْغُيْ مَلْفَ ةَ نَجَلَّ أَبْ أَوْبَأُ تَحْتَفُ وَءَبْ أَبْ هَأَنَّمُ حَتْفُيْ مَلْفَ  
ءَأَقْتَعُ هَلْ لَوِ رُصْقُ رَشَلْ إِيغَابِ إِي وَءَلْبَقْ أُرِّيَّ حَلَّ إِيغَابِ إِي دَأْنُ مِ يَدَأْنُ يَوِ  
ةَ لَيْلٍ لَكْ كَلَدَّوْرَانَ لَم

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон Рамазон келса, жаннат эшиклари очилур, дўзах эшиклари ёпилур ва шайтонлар кишанланур», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Термизийнинг лафзида:

«Қачон Рамазон ойининг аввалги кечаси бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланур. Дўзахнинг эшиклари ёпилур. Улардан бирор эшик очилмас. Жаннатнинг эшиклари очилур. Улардан бирор эшик ёпилмас. Бир нидо қилгувчи:

«Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилур. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган(банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундай бўлур», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган ҳолатлар рўзанинг фазилатлари қанчалар улуғ эканлигини кўрсатиб турибди. Келинг, улар билан бир-бир танишиб чиқайлик: «Қачон Рамазон келса:

1. «Жаннат эшиклари очилур».

Термизийнинг ривоятларидаги келганидек, жаннат эшиклардан бирортаси ёпилмас.

Демак, Рамазон ойида рўзадор ҳолида вафот этганлар жаннати бўлурлар. Шу билан бирга, ўша ойда жаннатга кириш учун асқотадиган савоб амаллар кўп қилинур. Жаннатнинг барча эшиклари очилиши Рамазон ойида ер юзига Аллоҳнинг раҳмати кўп нозил бўлишига ҳам ишорадир.

2. «Дўзахнинг эшиклари ёпилур».

У эшиклардан бирортаси очилмас. Шунинг учун ҳам Рамазонда вафот этган осийларни дўзахга киритиш ҳам Рамазон ичи кечга суриб турилади. Рўза тутган бандалар дўзахга тушишга сабаб бўладиган ишларни қилмайдилар.

3. «Шайтонлар кишанланур».

Улар бирор кишига иғво ҳам қилмайди, озор ҳам бермайдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Рамазони шарифнинг ҳурматидан бўлади.

Имом Термизийнинг ривоятларида келган «ўзбошимча жинлар» ҳам кишанланиши ҳақидаги қўшимчадан жин бошқа, шайтон бошқа эканлиги тушунилади. Шунингдек, жинларнинг ичида ўзбошимчалари бўлиб, кишиларга озор етказиши мумкинлиги англанади.

Имом Термизийнинг лафзларидан Рамазони шарифнинг қўшимча фазилатлари ҳам тушунилади.

4. «Бир нидо қилгувчи: «Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилур».

Демак, Рамазони шарифда яхшиликка тарғиб ва бериладиган савоб яна ҳам кўпайтирилади. Ёмонликдан қайтариш ва унинг олдини олиш яна ҳам кучайтирилади.

5. «Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган (банда)лари бўлур».

Яъни, аввалдан дўзахга тушишга лойиқ бўлиб қолган бандалардан баъзилари Рамазони шариф туфайли Аллоҳ томонидан кечирилиб, дўзахдан озод қилинурлар. Бу ҳам Рамазон ҳурматидан бўлади.

Демак, Рамазони шариф ҳар бир банда учун улкан савоблар топиб қолиш, дўзахдан озод бўлиб олиш учун жуда ҳам қулай фурсатдир. Бу фурсатдан ҳар бир ўзини билган инсон унумли фойдаланиб қолиши керак. Бунинг учун эса у муборак ойнинг рўзасини ихлос билан тутиб, ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўпроқ ибодат ва яхши ишлар қилиб қолиши керак.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***